

ISSN 2010-5517

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Fevral – 2023

Jahon ADABIYOTI

Adabiy badiiy, ijtimoiy publitsistik jurnal



Жамоатчилик кенгаши:

Сирожиддин САЙИД
Асаджон ХЎЖАЕВ
Наим КАРИМОВ
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Эркин АЪЗАМ
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Шухрат РИЗАЕВ
Минҳожиддин МИРЗО
Баҳодир КАРИМОВ
Ҳилола УМАРОВА
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
Олимжон ДАВЛАТОВ
Муҳиддин ОМОН

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
АДМИНИСТРАЦИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ
ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР
АГЕНТЛИГИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

1997 йил июндан
чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:

Аҳмаджон
МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Муҳиддин РАҲИМ
Назира ЖЎРАЕВА
Орзикул ЭРГАШ
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБ
Мафтуна
МУҲАММАДАМИНОВА
Севара АЛИЖОНОВА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Нусратулло ЖУМАХЎЖА. “Ашрақат...” ғазалининг сеҳру синоатлари.	3
Мунисжон ҲАКИМОВ. Навоий муҳаббатидан янги бир дoston.	9

НАСР

Нодар ДУМБАДЗЕ. Қўркманг, онажон. Роман. (Рус тилидан Иззат Аҳмедов тарж.).....	36
Эндрю КАРНЕГИ. Ҳаётим тарихи. Мемуар-қисса. (Рус тилидан Абдумажид Азим тарж.).....	90
Тугалбой СИДИҚБЕКОВ. Қўк ялов. Роман. (Қирғиз тилидан Улугбек Абдусаломов тарж.).....	140
Морис ЛЕБЛАН. Қизил ипак шарф. Ҳикоя. (Рус тилидан Неъмат Арслон тарж.).....	181

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Бахтиёр ВАҲОБЗОДА. Гулистон. Достон. (Озарбайжон тилидан Қозоқбой Йўлдошев тарж.).....	18
---	----

АДАБИЙ ДЎСТЛИК

Ҳамид НАЙЙИРОБОДИЙ. Шеър тинчлик ва осойишталик мадҳиясидир.	31
---	----

ЭССЕ

Оғир ВАШИЕТИС. Янгилик ҳамisha қаршиликка учрайди. (Рус тилидан Даврон Раҳмоб тарж.).....	120
--	-----

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

Назрулла ЖЎРАЕВ. Нятше шарқдан излаган нажот.	127
--	-----

ЁШ ТАРЖИМОНЛАР ИЖОДИДАН

Нажиб ТОСУН. Жудотик. Ҳикоя. (Турк тилидан Наргиза Асадова тарж.).....	194
Александр КУПРИН. Ал-Иссо. Афсона. (Рус тилидан Баҳора Муҳаммедова тарж.).....	200
Жек РИЧИ. Ишончли далил. (Рус тилидан Баҳора Муҳаммедова тарж.).....	202
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни.	206

НАВОИЙ МУҲАББАТИДАН ЯНГИ БИР ДОСТОН

Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол умр бўйи Навоийнинг муҳиби, мухлиси, издоши бўлиб яшади. Мутафаккирнинг уммон янглиғ ижоди, ҳаёт йўли уни оҳанрабодек ўзига тортди. Бу бедорликнинг самараси ўлароқ шоир ўз ҳаёти сўнгги йилларида “Навоий муҳаббати” достонини яратди.

Бу достон яратилгунига қадар ҳам ўзбек адабиётида Навоий муҳаббатидан ҳикоя қилувчи манзумалар бор эди, албатта. Жумладан, Ойбекнинг “Тули ва Навоий” достони айтиш мумкинки, Жамол Камол Ойбек достонидан таъсирланмаган дейиш ноўрин. Аммо Ойбек ўз асарини афсонага асосланиб битган бўлса, Жамол Камол Навоий ижодидаги бадиий фактларга таянади. Шунинг учун ҳам саккиз қисм (492 мисра)дан иборат достоннинг 28 мисраси Навоийники.

*Беҳи рангидек ўлмиш дарди ҳажрингдан менга сиймо,
Димогим ичра ҳар бир тухми янглиғ донайи савдо.*

*Навоий гар қуён норанжидин беҳрак қўрар, тонг йўқ,
Беҳиким лутф этмиш Маҳди улё, исматуддунё...¹*

Достонга киритилган мазкур байтлар Навоийнинг “Бадоеъ ул-васат” девонидаги 28 ғазалнинг матлаъси ва мақтаъси. Ишқий мавзудаги ғазалдан мазкур байтларнинг олинмиши бежиз эмас. Атоқли навоийшунослар П.Шамсиев ва С.Иброҳимовлар ҳам “исматуддунё” сўзига “дунё покизаси (Навоий Султон Ҳусайннинг хотинини шундай сифатлаган)” дея изоҳласа², “Маҳди улё”ни “подшоҳнинг (Ҳусайн Бойқаронинг – М.Ҳ.) катта хотинига (Ҳадичабегимга – М.Ҳ.) берилган унвон”³, деб таърифлайди. Яъни муаллиф олинган парчадаги “*Маҳди улё, исматуддунё – Олий бешик ва дунёнинг покизаси маъносида. Султон Ҳусайн Бойқаронинг суюкли хотини Ҳадичабегимга берилган фахрий ном*”⁴ маъносида қўлланганига асосланиб, қизнинг (Ҳадичанинг) Бойқаронинг катта хотини бўлган пайтида йигитга (Алишерга) беҳи юбориш воқеасини

¹ Жамол Камол. Сайланма. VII жилдлик. VII жилд. Т.: Янги аср авлоди, 2022. 102-бет. Яна: Алишер Навоий. ТАТ, X жилдлик, III жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи, 2011. 33-бет.

² Навоий асарлари лугати. Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 281-бет.

³ Ўша манба. 624-бет.

⁴ Жамол Камол. Сайланма. VII жилдлик. VII жилд. Т.: Янги аср авлоди, 2022. 102-бет.

далиллайди ва бу тарихий шахслар орасида муҳаббат бўлганига ишора қилади. Навоийшунослардан А.Ҳайитметов Навоийнинг ҳаётида севган кизи бўлганини айтса¹, Ш.Сирожиддинов ва В.Раҳмоновлар бу қизнинг Хадичабегим экани, ёшлигиданок Абу Саид мирзонинг ҳарамига олдирилгани борасида фикр юритади². Аммо “Ҳумоюннома”да Хадичабегим Султон Абу Саид мирзонинг кизи сифатида эсга олинган³. “Навоий муҳаббати” достонида муаллиф айна муаммоларга ўз қарашларини бадий ифода этган.

“Ёзма адабиёт намоёндаси бирор тарихий шахс образини яратишдан аввал, тарихий манбаларни чуқур ўрганиши ва таҳлил этиши зарур. Иккинчидан, ўзининг шу тарихий сиймога бўлган муносабатини, унинг характери ва фаолиятидаги муҳим нуқтани аниқлаб олиши лозим”⁴. Достондаги “муҳим нуқта” – беҳи воқеасидир.

Достон воқеалари Ҳирот, Машҳад ва Самарқандда юз беради. Унга кўра, Алишер Ҳирот шахрининг сўлим гўшасида Хадича исмли қўшни қиз билан тенгқур улғаяди. Кичикликданок улар бир-бирига меҳр боғлайди:

*Бола меҳри билан маъсум Алишер
Яқин бойланди шу кичик нарига,
Боқиб тўймасди гоҳи термулиб ул,
Шу қизнинг қўзлари, киприкларига⁵.*

Алишер қизнинг гўзаллигига маҳлиё бўлиш билан бирга билим олишни ҳам қанда қилмади. Мактабга борди, абжадни ўрганди, “Қуш тили” (Аттор)га боғланди. Хуллас:

*Бу ёқда беадо сўз сеҳри эрди,
У ёқда дилрабо қиз сеҳри, оташ.*

Орадан ою йиллар ўтиб, йигит ва қиз вояга етади. Ўртадаги меҳр муҳаббатга айланади. Алишер қалбига тушган ишқ азоблари “ғазалга кўчди ногоҳ ёна-ёна”. Дарду тугёнлардан яралган ғазаллар салтанат бўйлаб доврў таратади. Аммо бу ширин энтиқишлар узоққа чўзилмайди. Достоннинг иккинчи қисми йигит ва қиз айрилигидан ҳикоя қилади:

*Паривашга ҳарамдин келди маҳрам,
Этилди сўнгра ул подшога тортиқ.*

Алишернинг чеккан изтиробларига ҳеч қандай даво топилмади. Ниҳоят у яна ўзини илм олиш билан овутиш баҳонасида “Ҳиротни тарк этиб. Машҳадга кетди...”

¹ Бу ҳақда қаранг: Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Т.: Ўзбекистон, 2015. 171 – 172-бетлар.

² Бу ҳақда қаранг: Сирожиддинов Ш. Навоий кимни севган? / Ёшлик. 1991, 5-сон. Раҳмонов В. Мумтоз сўз сеҳри. Т.: Ўзбекистон, 2015. 72 – 76-бетлар.

³ Гулбадан бегим. Ҳумоюннома. Т.: ЎзФА, 1959. 33–46-бетлар.

⁴ Содиқова Р. Ҳозирги ўзбек достонларида машҳур сиймолар образининг яратилиши ва бадий изланишлар. Филол.ф.н. дисс. автореф. Т., 2002. 8-бет.

⁵ Жамол Камол. Сайланма. VII жилдлик. VII жилд. Т.: Янги аср авлоди, 2022. 83-бет.

Достон давомида Алишер Машҳадда илм олишга шўнғиб кетса ҳам, қалбини муҳаббат изтироби эзарди. Дардларни ғазал ёзиш билан сўндиришга уринарди. Бу билан ҳам овунмаган йигит ўз дардига азизлардан даво сўрайди. Азизлар бу тақдир ҳукми, унга сабр ва шукр даво бўлишини айтадилар.

*Шукур қилди, вале тинчиши қаёқда?
Ҳамон кўнгли ўшал дард, иштиёқда¹.*

Қаҳрамоннинг Машҳаддаги изтиробли ҳолини тасвирлашда ҳам шоир ўз маҳоратини Навоий асарларидан озиқлантиради.

*Агар кундузлари сокин ўтарди,
Вале тунларда ишқ тугён этарди.*

*Чекиб кўнгилда хунларни Алишер,
Кутарди бўйла тунларни Алишер.*

*Уларда ёр ҳаёли эрди ҳамдам,
Кўнгилга фикри-ёди эрди малҳам.*

Алишернинг Хадича ҳажрида бундай қуйиб ёнишлари “Лайли ва Мажнун”даги Мажнуннинг Лайли ишқида бедор ўказган тунларини ёдга солади:

*Тун-кун ичида анинг ҳаёли,
Жонига мурод анинг висоли.*

*Ул кеча бу чоққа тегру қайғу,
Қўймайдур эди кўзига уйқу.*

*Ҳардам урар эрди зулфдек печ,
Оғзи киби сабри йўқ эди ҳеч.*

*Тийра қилибон кунин қаро тун
Ким, ногаҳ эшитти бир ҳазин ун².*

Яъни Алишер ҳам Мажнун каби тунларни ёр ҳаёли билан қон ютиб кечиради. Ҳаёлан ёрига нидо қилади. Бу ҳолидан кўра ўлимни афзал билади.

Йиллар ўтиб Алишер Ҳиротга қайтади. Лекин дардига даво тополмайди. Ишқ дарди билан босган ҳар қадами ёрни эсга солар, дардини янгилар эди. Ҳарамнинг яқинлиги унинг ярасини муттасил янгилаб турарди: “Ичига ўт тушарди бу ҳаёлдан”. Ниҳоят, Алишер изтироблар

¹ Жамол Камол. Сайланма. VII жилдлик. VII жилд. Т.: Янги аср авлоди, 2022. 89-бет.

² Алишер Навоий. ТАТ, X жилдлик, VII жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи, 2011. 89-бет.

оғушида Самарқандга йўл олади. Достоннинг бешинчи бўлими унинг Самарқандда кечган кунларидан сўзлайди.

Самарқанднинг тоза ҳавоси, сўлим табиати Алишерни ўзига мафтун этади. Айниқса, Амир Темури пойтахтида ўз замонасининг алломалари, буюк устозлар билан учрашиш, улардан сабоқ олиш бўлғуси шоир дунёқарашининг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Аммо манбаларга кўра, Навоий достонда айтилганидек, Самарқандга ўз истаги билан келмаган. Бу ҳақда Заҳириддин Бобур: “Билмон, не жарима била Султон Абусаид мирзо Ҳирийдин ихроҷ килди. Самарқандга борди, неча йил-ким, Самарқандта эди...”¹ деса, С.Айний: “...султон Абусаид дар соли 1466 Алишерро ба бадарғағи ҳукм кард ва фармуд, ки аз Ҳирот баромада рафта дар Самарқанд зиндагонӣ кунад”², дейди. Яъни ўз ғаразли мақсадларини амалга ошириш, тахтда мустаҳкам ўрнашиш мақсадида султон Абусаид 1466 йилда Навоийни Самарқандда яшаш учун Ҳиротдан бадарға қилишга ҳукм қилади.

Достонда Жамол Камол Алишер кўплаб устозлардан таҳсил олгани, Улуғбек, Ал-Бухорий, Мотурудий каби алломалар асарлари билан яқиндан танишганини назмга солган. “Қисқаси, Алишер Навоийнинг униб-ўсишида, улуғ шоир ва мутафаккир бўлиб етишувида Самарқанд шаҳри, Самарқандда олинган таълим-тарбия ғоят катта роль ўйнаган”.³ Эришилган билимлар, шеър баҳслари шоир ашъорларида бўй кўрсатиб, девонлар пайдо бўлди:

*Ғазал девони элга манзур эрди,
Ғазал бобида номи машҳур эрди⁴.*

Аммо бу машҳурлик ва эътирофлар ҳам шоир кўнглидаги ғуссани аритолмасди. “Боғи баланд”ни, сайргоҳларни кезиб таскин изларди:

*Боқарди термулиб ҳарён Алишер,
Ажаб маъво эди атроф, ажаб ер.*

*Уфқлар парпирар эрди нурафшон,
Оқарди остида тошқин Зарафшон⁵.*

Бу юрт гўзаллиги, тошқин дарёлари тасвири “Садди Икандарий” достонидаги Самарқанд чизгиларини ёдга солади:

*Қилиб ҳикмат аҳли била гуфтугўй,
Етиб шаҳр учун яхши ер жустужўй.*

*Ҳамул пуштаеким Кўҳак топти исм,
Не пушта жаҳон ганжи узра тилисм.*

¹ З.М.Бобур. Бобурнома. Т.: Юлдузча, 1989. 153-бет.

² Садриддин Айний. Куллиёт. XV ҷилди. Ҷилди XI. Душанбе: Нашриёти Давлатии Тоҷикистон, 1963. Саҳифаи 284.

³ Шукуров Н. Мирзаев С. Асарлар поэзиясида Самарқанд мадҳияси. Т., 1969. 11-бет.

⁴ Жамол Камол. Сайланма. VII ҷилдлик. VII ҷилд. Т.: Янги аср авлоди, 2022. 93-бет.

⁵ Шу асар, 2022. 93-бет.

*Ушоқ тош анга лаълу инжу киби,
Яшил сабзаси чархи мийну киби*

*Ки, мансуб эрур анга Кўҳак суйи,
Нединким, эрур жори андин қуйи.*

*Ҳамул тўпа оллидин андоқ оқар
Ки, ошиқ бошу ашки, дер, ким боқар.*

*Анинг ёнида шахр қилди бино
Ки, ўлтурмасун анга гарди фано.*

*Скандар отоди Самарқанд ани,
Самарқанди фирдавсмонанд ани¹.*

Алишер Самарқандда экан, Абу Саид вафот этиб, Бойқаро тахтга чиққанини эшитади. Бойқаро мактуб йўллаб, уни Ҳиротга чорлайди. Шоир она юртига Бухоро орқали бориб, бир кун Хўжа Нақшбандни зиёрат қилади. Бу билан муаллиф Навоийнинг нақшбандия тариқатига мансублигига ишора этади.

Хуросонга борган Алишер севган ёрини суриштира бошлайди. Аммо “Париваш маҳрам эрди Бойқарога”. Шу ўринда Алишер образи янада жонлироқ гавдаланади. Унинг ҳолати муаллиф тилидан ҳикоя қилинмай, азобланган ошиқ тилидан монолог тарзида берилиши асар динамикасини кучайтирган:

*Азалдин, деди, мен бадбахт келибман,
Магар бефурсату бевақт келибман.*

*Зулм шунча бўлурму одамийга?
Ситам шунча келурму одамийга?*

*Бу аҳволимга йиглайми, қулай мен?
Отайми ўзни жарга, не қилай мен?²*

Мазкур сатрлар Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмасидаги:

*Эсиз!.. Тақдир экан қайдин билибмиз,
Азизим, дунёга бевақт келибмиз...³ –*

сатрларини ёдга солади. Яъни Жамол Камол дostonда драмадаги каби ҳолатни акс эттирган. Бу Алишернинг “қалб диалектикаси билан боғлиқ шарт-шароитни ифодалашда катта аҳамият касб этади”⁴.

¹ Алишер Навоий. ТАТ, X жилдлик, VII жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи, 2011. 220-бет.

² Жамол Камол. Сайланма. VII жилдлик. VII жилд. Т.: Янги аср авлоди, 2022. 96-бет.

³ Иззат Султон. Асарлар. IV томлик, I том. Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. 141-бет.

⁴ Ҳотамов Н. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. 188-бет.

Кўринадики, “Навоий муҳаббати” дostonини ёзгунга қадар шоир нафақат Навоий асарларини, балки мутафаккир ҳақида яратилган асарларни ҳам ўрганган ва улардан таъсирланган. Жумладан, у Иззат Султон ҳақида бундай дейди: “Алишер Навоий” драмасидаги Навоийнинг сўнгги монологини эсга олинг:

“Мен икки дарё бўйидаги халқимни якқалам қилдим. Тилимизни ҳақорат ботқоғидан шеърят осмонига кўтардим. Мен умримга ачинмаймен, сизга қилган хизматларимнинг зое кетганига ачинамен. Мен ниста пўчоғидан кема қурмоқчи бўлибмен...”

Бу гапларни Навоий номидан айтиш учун муаллиф Навоий тафаккури даражасига кўтарилиши лозим эди. Иззат ака ўша чўққига чиқа олди”.¹

Келтирилган парчадан аёнлашадики, Жамол Камол “Алишер Навоий” драмасидан таъсирланибгина қомай, ундаги ёмбидек қуйма сатрларни ҳаёлида муттасил такрорлаб яшаган десак, муболаға бўлмайди.

Дostonдаги воқеалар ривожига Алишер қисматга тан бериб, Бойқарога қасида битади. Уни тахтга ўтиргани билан муборакбод этади. Бойқаро эпизодик образ бўлгани боис бу тарихий фактларни шоир батафсил бадиийлаштирмай тўғри йўл танлаган.

Асарнинг 6-қисмига қадар Алишер дея аталган бош қаҳрамон кейинги қисмларда Навоий номи билан юритилади. Энди у ошиқликдан ташқари вазири аъзам, давлат арбоби, миллат пешвоси.

Ғиёсиддин Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ” асарида Алишер Навоий “юқори мансаблар ва даражаларга етишган, шавкатли подшоҳнинг ноибни мақомига эришган, аҳолининг турли қатламларига оид энг муҳим ишлар билан шуғулланиш, юқори ва қуйи табақалар вакиллариининг хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш, давлат ва халқ ишларини йўлга қўйиш, дин ва давлат ишларини тартибга солиш ишларини ўз зиммасига олган”²ини, кўплаб, масжид, мадраса, хонакоҳ, кўприклар қурдирганини, талабалар, етимлар, ҳунармандлар ва қосибларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатганини кенг кўламда тасвирлайди. Айни фикрни “Бобурнома” ҳам тасдиқлайди: “Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва мукаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайх Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти бида мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Бехзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми бида мундок машхур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайр ким, ул қилди, кам киши мундокқа муваффақ бўлмиш бўлғай”.³

Жамол Камол дostonда Навоийнинг бу фазилатларини назмга солади:

*Адолатни ўзига пеша қилди,
Ватан аҳволини андиша қилди.*⁴

¹ Жамол Камол. Сайланма. VII жилдлик. III жилд. Т.: Янги аср авлоди, 2018. 309-бет.

² Ғиёсиддин Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи, 2015. 31-бет.

³ З.М.Бобур. Бобурнома. Т.: Юлдузча, 1989. 154-бет.

⁴ Жамол Камол. Сайланма. VII жилдлик. VII жилд. Т.: Янги аср авлоди, 2022. 97-бет.

Навоийнинг шахси ва асарлари мадҳ этилган бу қисмни мутафаккир ва давлат арбобига битилган қасида дейиш мумкин. 28 байтдан иборат қасида қисмнинг 6 байти Навоийнинг ифтихор байтлари. “Шарқнинг барча улуғ сўз санъаткорлари ижодида ўзининг истеъдод даражаси ва шон-шуҳратидан ифтихор қилиб ёзилган шеърлар ва алоҳида байтларга кўп дуч келамиз. Алишер Навоий ижодида ҳам бундай фахрия байтлар анча-мунча”¹. “Навоий муҳаббати” достонида муаллиф фахрия байтларни, фикр ва ғоя билан бир қаторда, асар вазнига мос “Фарҳод ва Ширин” достонидан келтиради.

Таъкидлаш жоизки, 8 қисмдан иборат “Навоий муҳаббати” достонининг биринчи қисми тўлиқ, иккинчи қисмининг айрим бандлари мурабба кўринишида (кофияланиши: а-б-а-б) ёзилган бўлса, бошқа ўринларда маснавий шакли (кофияланиши: а-а, б-б...) кўлланган.

Шоир Навоий образини таърифлашда ўз фикрини мутафаккир шоҳбайтларидаги ғоялар билан тўйинтириб, ўқувчи тафаккурида навоиёна оҳангларни яратади. Масалан, достондаги:

*Башарни одамийликка чақирди,
Жаҳонни оламийликка чақирди,² –*

мисралари Навоийнинг машҳур:

*Одамий эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами,³ –*

байтларига ҳамоҳанг жаранг сочса,

*Зулм тигин ушатди неча бора,
Балойи нафсни этди пора-пора,⁴ –*

каби сатрларидаги фикрлар буюк давлат арбобининг “Вақфия” асаридаги “Илгимдан келганча зулм тигин ушотиб, мазлум жароҳатиға интиқом марҳамин қўйдим”⁵, деганларига эшидир.

Тарихий дostonларни тадқиқ этган адабиётшунос А.Тангировнинг кузатишича, “миллатни ҳамиша сергак ушлаб тургувчи куч бу – шонли тарихнинг замондошлар қалбини фахру ғурурга тўлдирадиган ибратли зарварақлари, улуғ аждодларимизнинг авлодлар учун намуна бўлиб хизмат қиладиган сермазмун ҳаёт йўллари ҳисобланади”⁶. Бундан ҳулоса қилиш мумкинки, юқоридаги байтларда Навоий даҳосига эҳтиромдан ташқари, мутафаккир миллатнинг йўлчи юлдузи бўлиб хизмат қилишини келажак авлодга уқтириш, унга эргашишга даъват ҳам мавжуд.

¹ Очилов Э. Бир ҳовуч дур. Т.: Ўзбекистон, 2011. 233-бет.

² Жамол Камол. Сайланма. VII жилдлик. VII жилд. Т.: Янги аср авлоди, 2022. 98-бет.

³ Алишер Навоий. ТАТ, X жилдлик, VI жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи, 2011. 210-бет.

⁴ Жамол Камол. Сайланма. VII жилдлик. VII жилд. Т.: Янги аср авлоди, 2022. 98-бет.

⁵ Алишер Навоий. ТАТ, X жилдлик, IX жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи, 2011. 648-бет.

⁶ Тангиров А. Ҳозирги замон дostonчилигида тарихий воқелик ва шахс талқини. Филол.ф.н. дисс. автореф. Т., 1995. 25-бет.

Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги ҳаёт йўли силлиқ кечмаган, албатта. Эзгулик ва адолат йўлида амалдорлар билан тинимсиз олишув, таъна-ю дашномларга чидаш унинг ҳаётида кўплаб учрайди. Бундай воқеалардан фойдаланиб Жамол Камол дoston қаҳрамонининг мураккаб ҳаёт йўлини тасвирлаш ва пировардида асарнинг жонли чиқишига эришган:

*Дучор бўлди адоватларга тинмай,
Киши гар тўғридир ул, бўйла бўлгай.*

*Ғанимлар отдилар тош устига тош,
Рақиблар лой отиб, макр этдилар фош.*

*Маломат қилдилар ёлгонлар айтиб,
Қабоҳат этдилар бўҳтонлар айтиб.*

*Вале сабру чидам этди Навоий,
Чидамсизликни кам этди Навоий¹.*

Аммо рақиблар анойи эмас – улар ўзларига Маҳди улё (Хадичабегим) ни ҳам оғдириб олишади ва унинг кўли билан “Чалиб, шахзода Мўминни йиқитди”. Воқеадан хабар топган Навоий кўли қонга ботган маликани лаънатлаб:

*Кўнгилдин ҳайдамоқ бўлди шу они
Муҳаббат деб аталган ул навони...²*

Лекин чин севги билан яшаётган кўнгилга буйруқ бериб бўладими? Асло. Мўмин мирзонинг ўлимида Хадичабегимнинг кўли борлиги тарихий ҳақиқат.³ Жамол Камол бу фактни бадиий тўқима билан бойитиб Навоийнинг севгида адашмаганини, унга бўлган садоқатини моҳирлик билан ифодалайди:

*Деди: ҳай-ҳай, бу ишни қилма асло,
Хадича бошқа, бошқа Маҳди улё.*

*Эмасдир Маҳди улёга бу севги,
Хадича бонуга хосдир бу севги.*

*Уни асраб-авайла, лутф кўрсат,
Мадад айлаб, баландга йўлла, юксалт⁴.*

Малика Хадичабегим (Маҳди улё) Навоий ёшлигиданоқ кўнгил кўйган Хадича эмас. Навоий ёшликдаги ўша беғубор ва самимий Хадича муҳаббати билан яшаган. Шоирнинг бу севгиси ишқи илоҳийга айланиб, уни муҳаббат бобида яна-да юксакларга, тасаввуфга кўра, ваҳдат

¹ Жамол Камол. Сайланма. VII жилдлик. VII жилд. Т.: Янги аср авлоди, 2022. 99-бет.

² Жамол Камол. Сайланма. VII жилдлик. VII жилд. Т.: Янги аср авлоди, 2022. 103-бет.

³ Бу ҳақда қаранг: Садриддин Айни. Қуллийёт. XV қилди. Қилди XI. Душанбе: Нашриёти Давлат Тоҷикистон, 1963. Саҳ. 325 – 338.

⁴ Жамол Камол. Сайланма. VII жилдлик. VII жилд. Т.: Янги аср авлоди, 2022. 103-бет.

водийсига кўтарди, деган фикрни ўртага ташлайди дostonда муаллиф. Навоий образини яратишда қаҳрамон ишқининг илоҳий ишқ сифатида кўрсатилиши dostonнинг бунга қадар мутафаккир ҳақида яратилган йирик жанрдаги асарлардан фарқлаб туради. Чунки аввалги асарлар шўро мафкураси асосида яратилгани боис уларда илоҳий ишқ масаласи акс этмаган. Яъни атоқли навоийшунос Иброҳим Ҳаққул: “Тил, тарих, дин, тасаввуф, фалсафа ва мумтоз адабиёт хусусиятларини қанча яхши билсангиз, Навоий асарларини ҳам ўшанча пухтароқ тушунишга эриша борасиз”¹, деганда Навоий ижодини коммунистик мафкура билан тўлақонли ўрганиб бўлмаслигини ҳам назарда тутган дейиш мумкин.

Асардаги барча қаҳрамонлар тарихий шахс бўлиб, ундаги воқеалар ҳам, деярли тарихий воқеликнинг назмга солинган шаклидир. Бу эса ўқувчига doston мазмунини англаб олишда қўл келади. Зеро, “Алишер Навоий бадий образининг асосий замини ва манбаи тарихий воқелик, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг бой ва хилма-хил адабий ҳамда илмий меросидир. Алишер Навоийнинг сиймоси унинг “сурати ва сийрати” шу мерос билан биргаликда гавдаланади”².

“Навоий муҳаббати”нинг тили ўтмиш ва замонавий тилнинг оралиғида шаклланиб, биринчидан, унинг ўқилишини раво, тушунилишини содда қилган бўлса, иккинчидан, ўқувчининг деярли олти асрлик мозийга етаклайди:

*Деди: гардун, менга ишқ берганинг не?
Бериб ишқ, мунчалар куйдирганинг не?*

*Менга не эрди бўйла мубталолиг
Ва мендек мубталога бу балoлиг?*³

Мисралардаги *гардун, мубталолиг, мубталога, балoлиг* каби сўзлар тарихий колоритни ифода этаётган бўлса-да, ўқувчи учун тушунилиши асло қийин эмас. Айниқса, аруз вазнида битилгани муҳаббат кассасини Навоийнинг ўзи айтиб бераётгандек таассурот қолдиради. Асарга Навоий қаламига мансуб:

*Кўп ўқидим Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,
Лек ўзимдин ҳам ажаброқ достоне топмадим, —*

байтининг эпиграф қилиб олинганлиги эса китобхонни бу таассуротга янада яқинлаштирган.

*Мунисжон ҲАКИМОВ,
ЎзРФА, Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти
илмий ходими*

¹ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадият. Т.: Тафаккур, 2019. 296-бет.

² Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. 303-бет.

³ Жамол Камол. Сайланма. VII жилдлик. VII жилд. Т.: Янги аср авлоди, 2022. 86-бет.